

## МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЁШЛАР ЭТИКАСИ

Улугбек Турсунович САФАРОВ

Мустақил изланувчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

[ulabek407@gmail.com](mailto:ulabek407@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган маданий жараёнлар трансформацияси ва ёшлар этикаси масаласи, трансформация тушунчасининг назарий асослари таҳлил қилинган. Трансформациялашувда ёшлар этикаси, “оммавий маданият” салбий жиҳатларининг ёшлар онгига таъсири ва уларнинг олдини олиш борасида таклифлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** маданий жараёнлар, трансформация, маданият, жараён, глобаллашув, миллий, технология, техноген, макон, замон.

## ТРАНСФОРМАЦИЯ КУЛЬТУРНЫХ ПРОЦЕССОВ И МОЛОДЕЖНАЯ ЭТИКА

Улугбек Турсунович САФАРОВ

независмый исследователь

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

[ulabek407@gmail.com](mailto:ulabek407@gmail.com)

### Аннотация

В статье анализируется тот факт, что вопрос трансформации культурных процессов и молодежной этики является одной из актуальных проблем современности и теоретической основой концепции трансформации. Рассматривается этика молодежи в процессе трансформации, негативные аспекты влияния «массовой культуры» на сознание молодежи и вносятся предложения по их предотвращению.

**Ключевые слова:** культурные процессы, трансформация, культура, процесс, глобализация, национальное, техническое, техногенное, пространство, время.

Маданий жараёнлар трансформацияси жараёнида ёшлар этикаси муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида илмий манбаларда, соҳа олимларининг қарашларида бир жиҳат илгари сурилганлигини кўриш мумкин. Яъни, трансформация жараёнлари тадқиқ этилганда, ахборотлашган жамият ва глобаллашув хусусида кўпроқ сўз юритилади. Лекин маданий жараёнларнинг трансформациялашуви тушунчасининг намоён бўлиши хусусидаги қарашлар мавжуд эмаслиги диққатни ўзига тортади. Тўғри, трансформация тушунчаси

кўпроқ биологик, генетик тушунча, деб айтишимиз мумкин. Ушбу тушунчани маданий жараёнлар билан боғлаш бугунги кундаги янгиликлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда дунёда вужудга келаётган мураккаб вазиятлар, яъни, ахборот кўламининг кенгайиши, маданий жараёнларнинг глобаллашуви, турли таҳдидлар инсоният ҳаётининг барча соҳаларини камраб олмоқда. Хусусан, бу борада мафкуравий таҳдидлар ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онги, тафаккури ва хулқ-атвориغا хавф-хатар солиб, инсон онги ва қалбини бузғунчи ғоялар билан заҳарлашга ҳаракат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда мафкуравий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш ва бу борадаги чора-тадбирларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Маданий жараёнларнинг трансформациялашуви назарий асосларига мурожаат қиладиган бўлсак, маданий жараёнлар трансформацияси жараёнлари – биринчи навбатда, жамиятнинг маънавий соҳасига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки миллий-маънавий тафаккур, салоҳият жамият тараққиётини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан саналади.

“Трансформация”нинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, трансформация [лот. *transformatio* – қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш (генетикада)] – хужайрага ёт ДНК кириши натижасида унинг ирсий хусусиятлари ўзгариши [8]; прокриотларда генетик материал алмашилиши усуллари билан бири [9]. Ушбу тушунчалардан маълумки, трансформация тушунчаси биринчи навбатда, генетик ва биологик тушунча сифатида фанга кирган.

Ахборотлашган жамиятда ахборотнинг кенг кўламда ишлатилиши, унга талабнинг кескин ошиши барчанинг глобал ахборот маконига бирлашувига олиб келади. Ушбу бирлашув, ўз навбатида жамият ҳаётини, хусусан, маданий жараёнларни ўзгартиради. Мана шу ўринда трансформация термини ишлатиш бизнингча маъқул. Хусусан, маданий жараёнлар трансформацияси бу – инқилоб ёки катта ўзгариш эмас. Бу мавжуд маданиятнинг бошқа бир

маданиятнинг кўринмас унсурлари натижасида мунтазам ўзгариб бориши жараёни ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу тушунча генетик, биологик тушунча ҳисобланиб, маълум бир вирусни организмга кириб уни ичидан ўзгартиради. Лекин ташқаридан ушбу ўзгариш сезилмайди. Глобаллашув жараёнлари биринчи навбатда, маданий жараёнлар трансформацияси учун замин яратади ва жамиятда маданиятлар алмашинуви рўй бера бошлайди.

Бугунги кунда мафкуравий хуружларнинг ҳаракатида бўлган айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг кўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг миллий ўзига хослиги, маданий жараёнларига, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгу шуурига сингдиришга интилиши ҳар қачонгидан ҳам кучайган. Бу ҳол, айниқса, эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъаналарига ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап. Миллий мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганлигидан кейин жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини эътиборга олишимиз шарт. Бунга жавобан эса маънавий-маърифий ишларни тўғри йўлга қўйиш билан ижобий натижага эришиш мумкин. Хусусан, маънавий ишлар тўғри йўлга қўйилган ташкилот ва муассасаларда иш фаолиятини йўлга қўйган ёшларда мустақил фикрга эга бўлиш, ўз кучига ишонч, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этиш, миллий урф-одатларни, анъаналарни асраш, эзгу-ғояларга садоқат, ёт ғояларга қарши огоҳлик ва маънавий юксакликни намоён этиш, мафкуравий таҳдидга қарши кураш кабилар яққол намоён бўлишини тажрибада кўрганмиз. Ана шундай шароитдагина глобаллашув жараёнларининг салбий жиҳатларига, ахборот хуружларига, “оммавий маданият”нинг салбий таъсирига нисбатан ғоявий курашчанликни намоён қилиш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш,

бузгунчи ғояларга қарши кураш, буюк келажакка ишонч ҳисси билан яшаш туйғуларини самарали шакллантиришга эришиш мумкин. Бугунги кунда юртимизда кишилар онги ва қалби учун кураш кечаётган таҳликали даврда мафкуравий омиллар тарғиботи долзарб, шу билан бирга муҳим масалалардан бирига айланиб улгурган. Бу эса маънавий тарғибот-ташвиқот ишларига янги, замонавий технологиялар, ёндашувлар, услуб ва воситаларни жалб этишни талаб қилади. Халқаро терроризм, информацион хуружлар, диний ақидапарастлик, диний экстремизмнинг халқимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари Янги Ўзбекистонни барпо этишга хизмат қиладиган мафкуравий омилларга таяниб, ёшларни тарбиялашнинг янги технологиялари ва усулларини қўллаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, тарбиявий ишларда ёт мафкураларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қарши олиб бораётган хуружларини ва ёшларнинг ғоявий саводсизлигига эришишга қаратилган ҳаракатларини зарарсизлантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялашни талаб қилади. Янги Ўзбекистонни жаҳоннинг тараққий этган давлатларидан бирига айлантириш учун эса фарзандларимизда метин мафкуравий эътиқод, умуммиллий манфаатларга содиқлик туйғусини шакллантириш ушбу йўналишдаги фаолиятнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшлар томонидан ўзлаштирилаётган билимлар ва мафкуравий омиллар яхлит тизимни ташкил қилади. Бунда нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар, балки табиий фундаментал фанларнинг ҳам ўзига хос услубларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Замонавий технологиялар воситасида мафкуравий омиллар таъсирчанлигини ошириб бориш мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни мустаҳкамлашнинг асосий вазифалардан биридир. Бундай технологиялар ёш авлодни нафақат замонавий илм-фан ютуқлари асосида тарбиялаш имконини яратади, шу билан бирга, глобаллашув жараёнида турли кўринишдаги мафкуравий тажовузлар ҳақидаги тасаввурларини ҳам ошириб боришга ёрдам беради. Ёш авлодни ҳар

томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, мустақил фикрлашни шакллантиришда миллий қадриятлар, шарқона демократия элементларини узлуксиз ва узвий тарзда сингдириб бориш кераклигини асосий масала сифатида диққат-марказда туришини унутмаслик лозим.

Бугунги глобал сиёсий ўзгаришлар шароитида ҳаётнинг маънавий асосларининг инқирози ҳам фожиали тус олмоқда. Маданий жараёнлар трансформациялашувида ушбу “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий бузуқлик, зўравонлик ҳамда қатор салбий ғояларни тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларини йўқ қилишга қаратилган хатарли таҳдидлар юрт тараққиёти ва ватан равнақини ўйлаган ҳар бир фуқарони ташвишга солади. “Оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган “йўқотилган авлод” муаммоси файласуфларнинг диққат- марказидаги муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Париждаги сиёсий тадқиқотлар институтининг профессори А.Валладао Францияда чоп этилган мақоласида таъкидлашича, турли халқ ва миллатлар синтези негизида шаклланган Америка жамиятининг маданий қадриятлари ўзга мамлакатлар қабул қилиши учун осон кечади. Қолаверса, ушбу давлат маданий маҳсулот ишлаб чиқариш индустриясининг (кино, видеофильмлар, шоу бизнес ва ҳ.к.) бозор шароитига мослашувчанлиги унинг деярли бутун дунёда шерик ва ҳамкорини топишга имкон яратди. Ҳозирда турли мамлакатларда намойиш этилаётган кино ҳамда видеофильмларнинг тўртдан уч қисми Америка маҳсулоти экани ҳам шундан далолат беради [4;29]. Мафкуравий таҳдид ёки мафкуравий тажовузнинг “маънавият” ниқоби остидаги бундай хуружлари ҳар қандай ёш, мустақил давлатларнинг барқарор тараққиётига путур етказди. Экспорт қилинаётган америкача маданият ёки маънавиятнинг салбий оқибатлари нафақат мустақилликни эндигина қўлга киритган давлатларда, балки Американинг ўзида ҳам жиддий кузатилмоқда. Бу салбий иллат эканлиги борасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида таъкидланганидек, “телевидение орқали

берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очик-сочик кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши” [1;202].

Америка психиатрлари ассоциацияси берган маълумотларга кўра, электрон савдонинг 20 фоизи беҳаёликка алоқадор бўлиб, дунё бўйича 2 миллион киши ҳар куни бир неча соатлаб вақтини шунга сарфлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, электрон порнография реклама энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, катта фойда берувчи соҳа ҳисобланади. Янги электрон бозорнинг 70 фоизини порнография, 4 фоизини видео ўйинлари, 2 фоизини эса спорт ташкил этмоқда [7;26]. Ғарб мамлакатларидаги кўплаб корхона ва ташкилотларда ходимларнинг иш вақтида шахсий компьютерлар орқали турли кўринишдаги беҳаё сайтларга кириши, бу билан меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши одатий ҳолга айланиб қолмоқда.

Ҳозирги дунёда Ғарбдаги салбий омиллардан, тарғиб қилинаётган салбий ғоялардан бири бу турмуш қурмаслик иллоти, аёлларнинг бола туғишни истамаслиги бўлиб, бу ўзига хос демографик инқироздир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзининг “Мен кўрган Америка” эссесига “Америкада оила мустаҳкам эмаслиги ва ўз навбатида, қачондир оиласиз жамият барпо этилишини орзу, дея таъкидловчи кишилар ҳам топилади. Хусусан, 1955 йилда Америка аёлларининг фақатгина бир фоизи фарзанд кўришни хоҳламаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич беш фоизни ташкил қилади [5;132]. АҚШлик таниқли сиёсатшунос Патрик Бьюкенен (“Ғарбнинг ўлими” асари муаллифи)нинг таъбири билан айтганда, Ғарб давлатларининг аксариятида “беланчакдан кўра тобутга эҳтиёж кўпроқ”. Ўн минглаб ёш америкалик аёллар бола туғишни истамас экан, ушбу мамлакатда муҳожирлар сони кўпайиб боришини тадқиқотчилар алоҳида таъкидлаганлар. Демографик инқироз оила-никоҳ муносабатларининг инқирозига – худбинлик–индивидуализм каби салбий иллатлар тантанасига сабаб бўлмоқда [3;73]. Эгоцентризм ўтакетган худбинлик бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини

ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликдир. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозирда уларнинг олди олинмаса, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир”.

Бу зарарли иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди. Олим Муҳаммаджон Қуроноф ўзининг “Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси” рисоласида “Лоқайдлик, ўз манфаатини ҳамма нарсдан устун кўйиш, худбинлик, шуҳратпарастлик каби салбий одатлар эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг асосий хусусиятларидир” [6;9], деб алоҳида таъкидлайди. Юксак маънавият, ҳамжихатлик, бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамиз – эгоцентризм каби иллатлардан қутулишнинг ягона йўлидир. Ғарб мамлакатларида тобора авж олиб бораётган бу каби иллатлар мафкуравий глобаллашув жараёнида мустақилликни қўлга киритган ёш давлатларга ҳам кириб келаётгани ташвишли ҳолатдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мафкуравий, маънавий таҳдид даражаси турли хил кўринишда авж олаётган бир вақтда жамиятда мафкуравий хавфсизликнинг таъминланиши ниҳоятда муҳим ва долзарбдир. Шу ўринда мафкуравий хавфсизлик тушунчасининг илмий таҳлилига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ғарбда ахлоқий ва оила қадриятлари йўқолиб бораётган, аҳоли сони кескин камайиб кетаётган бир вақтда, бизнинг асрлар давомида шаклланиб, тарих синовидан ўтган маънавий қадриятларимизни инсонлар орасидаги ўзаро алоқадорликнинг нотўғри шакли сифатида баҳолаш асоссиздир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маданий жараёнларнинг тарнсформациялашуви бу биринчи навбатда мафкуравий таҳдидларни жамиятга киришига “замин” яратади. Маданий жараёнларнинг тарнсформациялашувида глобал интернет тармоғи муҳим ҳамда асосий воситалардан бирига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда глобал компьютер тармоғида ғояларни тезлик билан тарқатиш дастурлари кенг ривожланмоқда. Ахборотларга арзон эга бўлиш, уларни эркин тарқатиш ва қабул қилиш имкониятлари интернетни шахс ва омма онгига мафкуравий таҳдиднинг самарали воситасига айлантирди. В.Кросконинг фикрича, интернет яқин келажакда мафкуравий тазйик воситаси сифатида матбуот ва телевиденияга нисбатан самарали воситага айланиши мумкин. Бу назария бевосита глобал тармоқдаги маълумотлар нисбатан камроқ цензура таҳдиди остида бўлиши ва маълумот муаллифини топиш қийинлиги билан боғлиқдир.

Шу ўринда ёшлар этикасининг назарий асосларига эътибор қаратишни лозим топдик. Ёшлар этикаси масаласи ҳамма даврда ҳам муҳим ва диққат-марказдаги муаммолардан ҳисобланади. Хусусан, машҳур ўзбек маърифатпарвар шоир ва жамоат арбоби Абдулла Авлониининг ёшлар ахлоқи борасидаги фикрлари эътиборга молик, “ёшларимиздан маданиятга лойиқ равишда ўқуб, диний ва маданий кишилар ҳозирланса, тарбия таълимга моҳир олим ва олима, адиб ва адибаларимиз етушса, мактаб ва мадрасаларимиз мунтазам ва тартиблик бўлса, зироат, саноат ва тижорат ишларига моҳир кишилар етушуб, замонага мувофиқ равишда иш юритилса ...ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтда эскинча орасидан чиқуб, ҳақиқий маданият бўстониға юзланғон ҳамда маданият тўлқунларидан қутулиб, соҳили саломатға чиқғон бўлур эдук [2;220].

Бугунги кунда ёшлар ахлоқи борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашимиз керак. Лекин, бугунги маданий жараёнлар трансформациялашувида турли маданиятларнинг кириб келиши ёшлар этикасини, хусусан, миллий ахлоқ қоидаларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада мамлакатимизда ёш авлодни камол топтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ёшларнинг бандлиги, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш



юзасидан амалий ишларни мутлақо янги ва узокни кўзлаган тизим асосида ташкил этиш мақсадида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди. Албатта, бу борада ёшлар муаммоларини диққат-марказга қўйиш билан бирга мунтазам ҳамда доимий мулоқот қилиш соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш, қолаверса, ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 202 б.
2. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 220 б.
3. Бьюкенен П. Смерть Запада. – Москва: Аст, 2004. – 73 с.
4. Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари. // Тафаккур, 2004. – № 1. – Б.29.
5. Муҳаммад Али. Мен кўрган Америка // Жаҳон адабиёти, 1998. – № 7. – Б.132.
6. Қуронов М. Мафқуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Академия, 2008.
7. Ғаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. – Тошкент: Ворис, 2007. – 26 б.
8. <https://ru.wikipedia.org/wiki/трансформация>.
9. <https://kartaslov.ru/значение-слова/трансформация>.